

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ҲАСДИКЛАЙМАН
(ОТМ ректори)
2020 йил "22" 08

"КЕЛИШИЛДИ"
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги
2020 йил "19" 08

Рўйхатга олинди: № МД- 5 230100
2020 йил "14" 08

МИКРОИҚТИСОДИЁТ. МАКРОИҚТИСОДИЁТ
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 200000 - Ижтимоий соҳа, иқтисодий ва ҳуқуқ

Таълим соҳаси: 230000 – Иқтисод

Таълим йўналишлари: 5230100-Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Тошкент – 2020

Фан/модуль коди MISC 2209	Ўқув йили 2020-2021	Семестр 2-3	ECTS - Кредитлар 9	
Фан/модуль тури Мажбурий	Таълим тили Ўзбек/рус		Ҳафтадаги дарс соатлари 4	
1.	Фаннинг номи	Аудитория машғулотлар и (соат)	Мустақил таълим (соат)	Жами юклама (соат)
	Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт	120	120	270
2.	<p align="center">I. Фаннинг мазмуни</p> <p>“Микроиқтисодиёт.Макроиқтисодиёт” фанининг асосий мақсади - миллий иқтисодиётнинг субъектлари: фирмалар, истеъмолчилар ҳамда бозорлар фаолияти ва уларнинг қарор қабул қилиши, макроиқтисодиёт назарияси, макроиқтисодий таҳлил ва давлатнинг макроиқтисодий сиёсати тўғрисида талабаларда билим ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат.</p> <p>Фаннинг вазифаси микроиқтисодий ва макроиқтисодий категориялар, бозор мувозанати, талаб ва таклиф еластиклиги, нарх устидан назорат ва бозор фаолияти, истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва бозорлар самарадорлиги, истеъмолчи танлови назарияси, бозор ва таваккалчилик, ишлаб чиқариш назарияси, ишлаб чиқариш харажатлари, рақобатлашган бозорлардаги фирмалар, монополь бозорларда фирманинг қарор қабул қилиши, ижтимоий неъматлар ва умумий ресурслар; макроиқтисодий муаммоларнинг намоён бўлиш шакллари ва сабаблари, иқтисодий жараёнларни макроиқтисодий моделлар орқали таҳлил қилиш, макроиқтисодий сиёсат мақсадлари, очиқ иқтисодиёт шароитида макроиқтисодий сиёсатни юритиш хусусиятлари тўғрисида назарий билимларни ўзлаштириш, макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш, макроиқтисодий концепсия ва моделлардан фойдаланган ҳолда иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш, макроиқтисодий сиёсат натижаларини башорат қилиш усуллари ўргатишдан иборат.</p> <p align="center">II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)</p> <p align="center">II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар кирази:</p> <p align="center">1-Мавзу. Микроиқтисодиёт фанининг предмети, мақсади ва тадқиқот усуллари</p> <p>Иқтисодий омилларнинг чекланганлиги. Чекланган омилларни тақсимлаш. Иқтисодий омилларни тақсимлашда нархларнинг аҳамияти. Микроиқтисодиёт фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. Позитив ва норматив микроиқтисодиёт. Микроиқтисодиёт объекти. Микроиқтисодиёт субъектлари. Микроиқтисодиётнинг тадқиқот</p>			

усуллари. Микроиқтисодий моделлар.

2-мавзу. Микроиқтисодиётнинг асосий категориялари: талаб ва таклиф

Талаб эгри чизиғи. Талаб функцияси. Бир омилли ва кўп омилли талаб функциялари. Талабга таъсир қилувчи омиллар. Талаб миқдорининг ўзгариши. Талабнинг ўзгариши. Таклиф ва таклиф миқдори. Таклиф эгри чизиғи. Таклиф функцияси. Бир омилли ва кўп омилли таклиф функциялари. Таклифга таъсир қилувчи омиллар. Таклиф миқдорининг ўзгариши. Таклифнинг ўзгариши. Талаб ва таклиф қонунлари.

3-мавзу. Бозор мувозанати моделлари

Бозор мувозанати моделининг моҳияти. Бозор мувозанатининг ўзгариши ва унга таъсир қилувчи омиллар. Нархга кўра бозорнинг мувозанатини таъминлаш модели. Миқдорга кўра бозорнинг мувозанатини таъминлаш модели (Валрас модели, Маршалл модели, тўрсимон модел). Бозорнинг мувозанатли ҳолатини танлаш йўллари.

4-мавзу. Талаб ва таклиф эластиклиги

Эластиклик тушунчаси. Эластиклик коэффиценти. Талабни нархга кўра эластиклиги. Талаб функцияси учун эластиклик коэффицентини ҳисоблаш. Ёйсимон эластиклик. Эластик ва эластик бўлмаган талаб.

Абсолют эластик ва абсолют эластик бўлмаган талаб. Талаб эластиклигига таъсир қилувчи омиллар. Талабнинг истеъмолчи даромадига кўра эластиклиги. Кесишган талаб эластиклиги. Кесишган талаб эластиклиги коэффицентини ҳисоблаш. Эластиклик назариясининг амалда қўлланилиши. Сотувчи даромадини талаб эластиклигига кўра таҳлил қилиш.

5-мавзу. Нархни шакллантириш тамойиллари ва давлат назорати

Нарх устидан назорат. Нархнинг юқори чегараси. Нархнинг юқори чегарасини бозор фаолиятининг натижасига таъсири. Қисқа ва узок муддатда ижара ҳақи. Нарх даражаларини бозор натижаларига таъсири. Давлат сиёсати. Минимал ойлик маош. Нарх назоратини баҳоллаш. Солиқлар. Сотувчилар зиммасидаги солиқни бозор тизимига таъсири. Харидорлар тўлайдиган солиқларни бозор шароитига таъсири. Солиқ юқининг тақсимланишини таҳлил қилиш.

Истеъмолчилар. Истеъмолчиларнинг ортиқчалиги. Истеъмолчи ортиқчалигини ўлчашда талаб эгри чизиғидан фойдаланиш. Минимал нарх ва истеъмолчи ортиқчалиги. Ишлаб чиқарувчиларнинг харажатлари. Ишлаб чиқарувчиларнинг харажатлари ва сотишга тайёрлик. Ишлаб чиқарувчилар ортиқчалиги. Ишлаб чиқарувчи

ортиқчалигини ҳисоблашда таклиф чизигидан фойдаланиш. Максимал нархлар ва ишлаб чиқарувчилар ортиқчалиги. Бозор самарадорлиги ва бозор камчиликлари.

6-мавзу. Истеъмолчи танлови. Даромад ва алмаштириш самараси

Истеъмол назариясида неъмат тушунчаси. Истеъмолчи танловига таъсир қилувчи омиллар. Нафлик тушунчаси. Истеъмолчи эҳтиёжини қондириш даражаси. Нафлик функцияси. Умумий нафлик, чекли нафлик, чекли нафликнинг камайиш қонуни. Бефарқлик эгри чизиги. Бефарқлик эгри чизиклари харитаси ва унинг хусусиятлари. Чекли алмаштириш нормаси. Бюджет чегараси ва унинг ўзгариши. Бюджет тенгламаси. Бюджет чизиги. Бюджет чизиги ётиқлик бурчаги. Истеъмолчи танлови масаласи. Нафликни максималлаштириш. Истеъмолчи танлови масаласи ечилишини график ёрдамида таҳлил қилиш. Истеъмолчи мувозанати.

«Даромад-истеъмол» чизиги. Нормал товарлар. Паст тоифали, олий тоифали ва бирламчи эҳтиёж товарлар. Энгел эгри чизиклари. «Нарх-истеъмол» чизиги. Нормал ва Гиффен товарлари учун талаб чизиги. Нормал товар учун даромад самараси ва алмаштириш самараси, умумий самара. Паст тоифали товарлар учун даромад самараси ва алмаштириш самараси. Алмаштириш самарасини ва даромад самарасини амалда қўллаш. Паст тоифали товарлар. Ўрнини босувчи ва тўлдирувчи товарлар.

7-мавзу. Бозор ва таваккалчилик

Ноаниқлик ва таваккалчилик. Эҳтимоллик тушунчаси. Эҳтимолнинг турлари. Ноаниқлик шароитида танлаш. Таваккалчиликнинг вужудга келиш сабаблари. Таваккалчилик ўлчови. Кутиладиган миқдор. Четланиш. Таваккалчиликка бўлган муносабат. Таваккалчиликка мойиллик. Таваккалчиликка мойил бўлмаган ҳолат. Таваккалчиликка бефарқлик. Таваккалчиликни пасайтириш йўллари. Корхоналарнинг фаолият соҳаларини ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турини кенгайтириш (диверсификацияси). Суғурта қилиш. Таваккалчиликни қўшиш. Таваккалчиликни тақсимлаш. Ассиметрик ахборотлашган бозор. Маҳсулот сифати ноаниқлиги. Маънавий таваккалчилик. Бозордаги ассиметрик ахборотларни йўқотиш йўллари. Бозор сигналлари. Аукционлар. Олиб сотарлик ва уни иқтисодиётдаги ўрни.

8-мавзу. Ишлаб чиқариш ва унинг моделлари

Ишлаб чиқариш функцияси тушунчаси. Изокванта тушунчаси. Изокванталар харитаси ва унинг хусусиятлари. Изоквантанинг ётиқлик бурчаги. Қисқа ва узоқ муддатлардаги ишлаб чиқариш. Бир ўзгарувчан

омил (меҳнат) асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Ўзгарувчи омилнинг ялпи ўртача, чекли маҳсулотлари ва улар ўртасидаги боғлиқлик. Капиталнинг чекли маҳсулоти. Меҳнатнинг чекли маҳсулоти. Ишлаб чиқариш омиллари чекли маҳсулдорлигининг камайиш қонуни. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро алмашуви. Чекли технологик алмаштириш нормаси. Изокоста тушунчаси. Изокоста тенгламаси. Ишлаб чиқариш омиллари сарфини минималлаштириш.

9-мавзу. Ишлаб чиқариш харажатлари

Ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳар қандай харажатнинг чекли маҳсулоти. Камайиб борувчи чекли маҳсулот. Умумий харажат эгри чизиғи. Харажатнинг турли ўлчовлари. Харажат эгри чизиқлари ва уларнинг шакллари. U-шаклидаги ўртача умумий харажат. Самарали ҳажм. Чекли харажат ва ўртача умумий харажат ўртасидаги боғлиқлик. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврдаги харажатлар. Қисқа муддатли ва узоқ муддатли даврдаги ўртача умумий харажатлар ўртасидаги боғлиқлик.

10-мавзу. Рақобатлашган бозорлардаги фирмалар фаолияти

Рақобатлашган фирманинг даромади. Рақобатлашган фирманинг ялпи, ўртача ва чекли даромадлари. Фирма фойдаси. Фойдани максималлаштириш ва рақобатли фирманинг таклиф эгри чизиғи. Чекли харажатлар эгри чизиғи ва фирманинг таклиф ҳажми ҳақидаги қарори.

Рақобатлашган бозорда таклиф эгри чизиғи. Қисқа муддатли давр: фирмаларнинг доимий сони ва бозор таклифи. Узоқ муддатли давр: кириш ва чиқиш орқали бозор таклифи. Қисқа ва узоқ муддатларда талабдаги ўзгаришлар. Ўртача узоқ муддатли харажат ва унинг хусусиятлари. Тармоқнинг мувозанат ҳолати. Тармоқнинг таклифи. Харажатлари ўсаётган тармоқнинг таклиф чизиғи. Харажатлари ўзгармас бўлганда тармоқнинг таклиф чизиғи. Харажатлари камайган тармоқнинг таклиф чизиғи. Тармоқнинг кенгайиш механизми. Фирманинг самарали ҳажми. Ишлаб чиқариш кўлами. Самарали ишлаб чиқариш кўлами. Самарасиз ишлаб чиқариш кўлами. Ўзгармас самарали ишлаб чиқариш кўлами.

11-мавзу. Номукамал бозорларда фирмалар фаолияти

Монопол бозорларда ишлаб чиқариш. Монопол бозорларда нархлар. Монопол бозорларда ишлаб чиқариш ва нархлар ўрнатишдаги қарорлар. Монополияларда чекли даромад. Монополист фойдаси. Монополияда фойдани максималлаштириш. Нарх дискриминацияси. Монополияга қарши қонунчилик. Давлатнинг монополияларга қарши сиёати: Шерман қонуни, Клейтон қонуни. Монополистик рақобат тушунчаси. Монополистик рақобат бозорининг хусусиятлари. Турли

маҳсулотлар билан рақобат. Қисқа муддатли даврдаги монополистик рақобатдош корхона. Узоқ муддатли мувозанат. Монополистик рақобат ва жамият фаровонлиги. Монополистик рақобат бозорида товар нархи ва ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш. Монополистик рақобат бозори самарадорлиги.

12-мавзу. Ишлаб чиқариш омиллари бозори

Меҳнат ресурсларига бўлган талаб. Меҳнат ресурслари таклифи. Рақобатлашган меҳнат бозори. Меҳнат қилиш ва дам олиш ўртасидаги боғлиқлик. Иш ҳақи ўсишининг дам олиш вақти билан ишлаш вақти ўртасидаги нисбатга таъсири. Меҳнат бозорида монополия ҳолати. Энг кам иш ҳақи. Энг кам иш ҳақи ва мувозанатли иш ҳақи ўртасидаги фарқлар, уларнинг оқибатлари. Меҳнат бозорига касаба уюшмаларининг таъсири. Монополия шаклидаги меҳнат бозори. Меҳнат бозорида икки томонлама монополия. Иш ҳақи ставкаларининг табақалашуви. Иқтисодий рента. Капитал ресурслари. Асосий ва айланма капитал маблағлари. Ссуда фоизи. Қийматни пасайтириш. Инвестицияни ҳисоблашда пасайтирилган қиймат. Инвестицияга талаб. Ер бозори, ер таклифи, ер рентаси.

13-мавзу. Ташқи таъсирлар ва унга оид давлат сиёсати

Ташқи таъсирлар. Ташқи таъсир шакллари. Ташқи таъсирлар ва бозор самарасизлиги. Салбий ташқи таъсирлар. Ташқи таъсир туфайли ишлаб чиқаришнинг жамият учун харажати. Ижтимоий харажат. Ижтимоий харажат эгри чизиғи. Ташқи таъсирни ўзлаштириш. Ижобий ташқи таъсирлар. Саноат сиёсати ва патент ҳимояси. Ташқи таъсирларга қаратилган давлат сиёсати: буйруқ ва назорат сиёсати, бозорга асосланган сиёсат. Солиқ ва субсидиялар. Ташқи таъсирларга хусусий ечимлар. Хусусий ечим турлари. Коуз теоремаси. Операцион харажатлар.

14-мавзу. Ижтимоий неъматлар ва умумий ресурслар

Соф ижтимоий неъмат. Соф хусусий неъмат. Соф ижтимоий маҳсулотга талаб. Соф хусусий неъматга бўлган умумий талаб. Бозор ожизлиги. Маҳсулотларнинг турли хил турлари. Ижтимоий неъматлар. Ижтимоий неъматларнинг хусусиятлари. Ижтимоий неъматлар: мудофаа тизими, фундаментал илмий тадқиқотлар, қашшоқликка қарши курашиш. Харажатлар ва даромадларни таҳлил қилиш. Умумий ресурслар. Умумий ресурсларнинг янги муаммолари. Бозор иқтисодиётида давлатнинг роли.

15-мавзу. Макроиқтисодиёт фанининг предмети, мақсади ва тадқиқот усуллари

“Макроиктисодиёт” фанининг вужудга келиши, предмети ва объекти, “Макроиктисодиёт” фанининг тадқиқот усуллари, омиллар, товар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиш модели. Макроиктисодий таҳлил усуллари: агрегатлаштириш, макроиктисодий моделлаштириш. Захиралар ва оқимлар. Асосий макроиктисодий қарашлар. Замонавий макроиктисодиётнинг аҳамияти. Ўзбекистонда макроиктисодий стратегиянинг устувор йўналишлари.

16-мавзу. Миллий ҳисобчилик ва макроиктисодий кўрсаткичлар

Миллий ҳисобчилик тизими. Миллий иқтисодиётни таҳлил қилишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар. Асосий макроиктисодий айниятлар. ЯИМ ва унинг таркиби: истеъмол, инвестициялар, давлат харидлари ва соф экспорт харажатлари. Даромаднинг бошқа кўрсаткичлари - соф ички маҳсулот, миллий даромад, ихтиёрдаги ва шахсий даромад. Ялпи ички маҳсулот ва миллат фаровонлигини баҳолаш муаммолари. Яширин иқтисодиёт. ЯИМ дефлятори. Аҳоли турмуш даражаси. Ўзбекистон Республикаси макроиктисодий кўрсаткичлари динамикаси таҳлили.

17-мавзу. Иқтисодий даврлар. Ишсизлик

Иқтисодий тебранишларнинг сабаблари. Илмий техника тараққиёти. Сиёсий ҳодисалар. Жаҳон бозорида энергоресурслар нархларининг ўзгариши. Табиат ҳодисалари. Ялпи харажатлардаги ўзгаришлар. Иқтисодий даврнинг босқичлари ва уларнинг тавсифи. Иқтисодий тебранишларнинг турли тармоқларга таъсири. Иқтисодий тебранишларнинг ҳозирги кундаги хусусиятлари. Молиявий-иқтисодий инқирозлар. Иқтисодий тебранишларга бозорлардаги монопол тузилмалар, давлатнинг тартибга солишдаги роли, илмий техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви таъсири.

Ишсизлик тушунчаси. Ишсизлик турлари ва бандлик. Ишсизликнинг ҳақиқий ва табиий даражаси. Яширин ишсизлик. Ишсизлик даражаси. Ишсизлар сони. Ишчи кучи. Бандлик даражаси. Давлат сиёсати ва ишсизлик. Номинал ва реал иш ҳақи. Қатъий иш ҳақи. Минимал иш ҳақи бўйича қонунлар. Иш ҳақи самарадорлиги. Ишсизликнинг давомийлиги. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. Оукен қонуни. Ишсизликнинг ижтимоий оқибатлари.

18-мавзу. Инфляция ва аксинфляция сиёсати

Нархларнинг барқарор ўсиши шароитида инфляция даражаси. «70-миқдор қонидаси». Инфляция юзага келишининг ички омиллари. Инфляция юзага келишининг ташқи омиллари. Талаб инфляцияси. Таклиф инфляцияси. Инфляция суръати. Инфляциянинг ижтимоий харажатлари. Кутилаётган инфляция ва унинг қиймати. Кутилмаган

инфляция ва унинг қиймати. Гиперинфляция сабаблари. Стагфляция. Инфляция ўсиш суръати. Инфляцияга қарши сиёсат. Инфляцияга қарши сиёсатнинг монетарстик йўналиши. Даромадлар ва нархларни тартибга солиш сиёсати.

19-мавзу. Ялпи талаб ва ялпи таклиф модели

AD эгри чизиғи. Баҳо омиллари. Фоиз ставкаси самараси. Бойлик самараси ва импорт харидлари самараси. AD эгри чизиғи траекторияси. Баҳодан бошқа омилларнинг ялпи талабга таъсири. Истеъмол харажатларидаги, инвестиция харажатларидаги, давлат харажатларидаги ва соф экспортдаги ўзгаришлар. Ресурслар баҳоснинг ўзгариши.

Унумдорликнинг ўзгариши. Солиқларнинг ўзгариши. Ялпи таклифдаги ўзгаришлар. Ялпи таклифнинг классик модели. Номинал катталикларнинг ўзгарувчанлиги. Реал катталикларнинг қатъийлиги. Баҳолар ўзгаришининг меҳнат бозорига таъсири. AS эгри чизиғининг вертикаллиги. AS эгри чизиғининг ишлаб чиқариш омиллари ва технологиялар таъсирида силжиши. Ялпи таклифнинг Кейнс модели. Ялпи талаб таъсирида ялпи таклиф эгри чизиғидаги силжишлар. Нархларнинг мувозанат даражаси. AD-AS моделида мувозанатнинг таъминланиш механизми. Талаб ўзгаришлари. Таклиф ўзгаришлари. Ялпи таклиф ўзгаришининг оқибатлари.

20-мавзу. Истеъмол, жамғариш ва инвестиция функциялари

Ялпи талаб компонентлари орасида истеъмолнинг ўрни. Истеъмол функциясининг алгебраик ва график кўриниши. "Асосий психологик қонун". Автоном истеъмол. Даромад (шахсий тасарруфдаги даромад) ва истеъмол ўртасидаги ўзаро боғлиқлик. Жамғармафункцияси ва графиги.

Фоиз ставкаси ва жамғарма. Хусусий, давлат ва ташқи дунё жамғармалари. Истеъмолга (APC) ва жамғаришга ўртача мойиллик (APS). Истеъмолга (MPC) ҳамда жамғаришга (MPS) чегаравий мойиллик. Ҳаётийлик даври давомида истеъмол, даромад ва бойлик.

Инвестицияларнинг неоклассик модели. Кобб–Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси. Инвестиция функцияси. Асосий маблағлар амортизацияси. Капиталнинг ҳақиқий қиймати. Соф инвестициялар. Автоном инвестициялар. Фоиз ставкаси. Кутилаётган соф фойда нормаси. Инвестицияларга талаб функцияси. Инвестициялар динамикасини белгиловчи бошқа омиллар. Акселератор модели. Тўлиқ инвестиция функцияси. Инвестициялашган чегаравий мойиллик. Инвестицияларнинг беқарорлигини белгиловчи омиллар. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг Кейнс модели. Ўзбекистон Республикаси инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.

21-мавзу. Пул-кредит сиёсати

Пул таклифининг кенгайтирилган модели. Кейнс пул сиёсатининг

моҳияти. Пулга бўлган талабнинг монетар ёндошуви. Фишер ва Кембриж тенгламалари. Пулнинг айланиш тезлиги. Баҳолар даражаси, реал ЯИМ ҳажми ва пулга талаб. Кейнс назариясида пулга бўлган талаб. Пулга бўлган талаб эгри чизиғи графиги. Банкларнинг асосий операциялари ва бозор иқтисодиётидаги роли. Пул-кредит сиёсатининг моҳияти, пировард мақсадлари ва оралиқ мўлжаллари. Мажбурий захира нормаси. Ҳисоб ставкаси (қайта молиялаштириш ставкаси). Марказий банк томонидан пул таклифини назорат қилиш ва тартибга солиш воситалари. Ўзбекистон Республикасида банк тизими барқарорлигини ошириш ва пул-кредит сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

22-мавзу. Бюджет-солиқ сиёсати

Давлат бюджетининг моҳияти, таркиби ва функциялари. Даромадларни қайта тақсимлаш. Давлат бюджети даромадлари. Давлат нобюджет фондлари. Солиқлар. Нобюджет тўловлар. Солиқларнинг турлари, функциялари. Давлат бюджети даромадларининг солиқлар турлари бўйича таркиби. Солиқ сиёсати. Солиққа тортиш мезонлари.

Адолатлилик. Самарадорлилик. Тўловга қодирлилик. Солиқ юки. Лаффер эгри чизиғи. Чегаравий солиқ ставкаси. Давлат бюджети харажатлари. Бюджет тақчиллиги. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари таркиби. Бюджет солиқ сиёсатининг моҳияти, пировард мақсадлари.

23-мавзу. IS–LM модели ва унинг қўлланиши

Хикс-Хансен моделининг моҳияти. Моделнинг асосий ўзгарувчилари ва тенгламалари. Товарлар бозоридаги мувозанат. IS эгри чизиғи. IS эгри чизиғининг тенгламаси. IS эгри чизиғи силжишларини белгиловчи омиллар. Пул бозоридаги мувозанат. LM эгри чизиғи. Эгри чизиқнинг ётиқлиги. LM эгри чизиғининг тенгламаси. LM эгри чизиғининг горизонтал, қўтарилиб боровчи ва вертикал кесимларида мултипликатор самараси. Даромадлар, пулга талаб ва фоиз ставкаси. LM эгри чизиғининг алгебраик натижаси. LM эгри чизиғи силжишлари. IS-LM моделидаги мувозанат. Товар ва пул бозоридаги мувозанат. Баҳолар даражаси пасайиши натижасида икки бозор тизимида мувозанатнинг ўзгариши. IS-LM моделида бюджет солиқ сиёсати. IS-LM моделида пул-кредит сиёсати. Инвестиция тузоғи. Баҳолар ўзгариши шароитида рағбатлантирувчи фискал ва пул-кредит сиёсати. Моделда қисқа муддатли ва узоқ муддатли мувозанат.

24-мавзу. Иқтисодий ўсиш моделлари

Иқтисодий ўсиш моделларининг моҳияти ва аҳамияти. Иқтисодий ўсишни некейнсча моделларининг ўзига хос хусусиятлари. Е. Домар

моделли. Талаб тенгламаси. Таклиф тенгламаси. Капитал унумдорлиги.

Р.Харрод модели. Ишлаб чиқариш ва инвестиция ҳажмлари ўртасидаги боғлиқлик модели. Ҳақиқий, кафолатланган ва табиий ўсиш суръатлари. Тўлиқ бандлик шароитида барқарор ўсиш формуласи. Роберт Солоу модели, моделда ялпи таклиф функцияси. Аҳоли сонининг ўсиши. Р.Солоу моделида техник тараққиёт ва капитал билан қуролланганликнинг барқарор даражаси. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси. А.Люиснинг иқтисодий ўсиш модели. Хиксинг техник тараққиёт модели. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсиш суръатлари ва омиллари.

25-мавзу. Ташқи савдо сиёсати

Мамлакатлар ўртасида мутлоқ харажатлардаги фарқ. Халқаро савдодан олинадиган ютуқ. Турли товарларни ишлаб чиқариш харажатлари ўртасидаги нисбат. Хекшер-Олин назарияси. Ишлаб чиқаришнинг ортиқча ва тақчил омиллари. Мамлакатда ва ташқи давлатларда омиллар ўртасидаги нисбат даражаси. "Леонтъев парадокси (таажжуби)".

М. Портер назарияси. "Технологик узилиш" назарияси. Жаҳон бозорида талаб ва таклиф. Мувозанатли баҳо. Манфаатларнинг тақсимланиши.

Давлат ташқи савдо сиёсатининг моҳияти ва усуллари. Импорт тарифлари. Тарифларнинг баҳолар даражаси, истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларга таъсири. Демпингдан ҳимоя, тарифга нисбатан афзалликлари, камчиликлари ва қўллаш муаммолари. Экспортга божхона божлари: қўллашдан қутилган мақсадлар, аҳоли турмуш даражаси, ишлаб чиқарувчилар ва давлат манфаатларига таъсири. Экспортни «ихтиёрий» чеклаш: моҳияти ва қўлланишининг иқтисодий натижалари. Экспорт субсидиялари ва компенсацияловчи импорт божлари. Импорт квоталари. Квоталашнинг истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва давлат манфаатларига таъсири. Импорт лицензияларини тақсимлаш услублари. Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари. Ташқи савдо динамикаси, товарларга кўра таркиби ва диверсификациялаш.

26-мавзу. Валюта курсининг макроиқтисодий сиёсатга таъсири

Валюта бозори. Валюта айирбошлаш зарурати. Чет эл валютасига талаб. Чет эл валютасини таклифи. Валюта курси. Тўғри, билвосита ва тескари котировка. Эгилувчан ва қайд этилган валюта курси. Валютанинг қадрсизланиши ва қимматлашиши. Девалвация ва ревалвация. Номинал валюта курси. Реал ва реал самарали валюта курслари. Харид қобилияти паритети. Номинал ва реал валюта курсларининг узоқ муддатли динамикаси. Валюта курсига таъсир этувчи

омиллар: фоиз ставкаларининг ўзгартирилиши, ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмлари, инфляция, ҳукумат сиёсати, савдо баланси, жорий операциялар баланси. Мувозанатли валюта курси. Макроиқтисодий сиёсатнинг мувозанатли валюта курсига таъсири.

27-мавзу. Очiq иқтисодиётда Менделл-Флеминг модели

Очiq иқтисодиёт тушунчаси. Очiq иқтисодиётда мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми. Очiq иқтисодиётда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми. Ички харажатлар ва савдо баланси. Соф экспорт. Ички харажатлар ва миллий ишлаб чиқариш ҳажми. Экспорт ва импортнинг миллий иқтисодиётга таъсири. Экспорт ва импорт ўртасидаги боғлиқлик. Соф экспорт ва мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми. Очiq иқтисодиёт учун Кейнс хоци. Манделл-Флемингнинг очiq иқтисодиёт модели. Очiq иқтисодиётда пул-кредит сиёсати. Қайд қилинган валюта курси ва капиталнинг юқори мобиллиги шароитида пул-кредит ва фискал сиёсат. Фискал сиёсатнинг самараси. Девалвациянинг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири. Капиталнинг паст мобиллиги шароитида пул-кредит ва фискал сиёсат. Эркин сузиб юривчи валюта курси шароитида иқтисодий сиёсат.

28-мавзу. Давлатнинг барқарорлаштириш сиёсати

Барқарорлаштириш сиёсатининг моҳияти. Иқтисодиётни барқарорлаштиришга турли хил ёндашувлар. Монетаристик ёндашув. Кейнсча ёндашув. Ички вақт оралиғи. Ташқи вақт оралиғи. Пул-кредит сиёсати. Актив пул-кредит сиёсати. Пассив пул-кредит сиёсати. Бюджет – солиқ сиёсати. Рағбатлантирувчи бюджет–солиқ сиёсати. Тўхтатувчи бюджет – солиқ сиёсати. Пул-кредит ва бюджет–солиқ сиёсатлари чоратадбирлариларини мувофиқлаштириш. Барқарорлаштириш сиёсатининг “автоматик стабилизаторлари”. Прогнозлаштириш.

Прогнозлаштиришнинг услублари. Илгарилорчи кўрсаткичлар индекси. Иқтисодий моделлар. Иқтисодий моделларни қўллаш.

III. Амалий машғулоти буйича кўрсатма ва тавсиялар ((Лаборатория ишлари), (Семинар машғулоти), (Курс иши), (Мустақил таълим) ўқув режада кўрсатилган тури (номи) буйича ёзилади)

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Микроиқтисодиёт фанининг предмети, мақсади ва вазифалари
2. Микроиқтисодиётнинг асосий категориялари: талаб ва таклиф
3. Бозор мувозанати ва уни таъминлаш моделлари
4. Талаб ва таклиф еластиклиги

5. Нарх устидан назорат ва бозор фаолияти
6. Истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва бозорлар самарадорлиги
7. Истемолчи танлови назарияси
8. Даромад самараси ва алмаштириш самараси
9. Бозор ва таваккалчилик
10. Ишлаб чиқариш назарияси
11. Ишлаб чиқариш харажатлари
12. Рақобатлашган бозорда фирмалар фаолияти
13. Номукамал бозорларда фирмалар фаолияти
14. Ишлаб чиқариш омиллари бозори
15. Ташқи таъсирлар ва давлат сиёсати.
16. Ижтимоий неъматлар ва умумий ресурслар
17. Макроиктисодиёт фанининг предмети, мақсади ва вазифалари
18. Макроиктисодий кўрсаткичлар
19. Иқтисодий даврлар ва тебранишлар
20. Ишчи кучи ва ишсизлик
21. Инфляция ва аксилинфляция сиёсати
22. Ялпи талаб - ялпи таклиф модели
23. Истеъмол ва жамғариш функциялари
24. Инвестиция ва унинг иқтисодиётдаги ўрни
25. Банк тизими. Пул кредит сиёсати.
26. Давлат бюджети. Бюджет солиқ сиёсат.
27. ИС–ЛМ модели ва унинг қўлланилиши
28. Иқтисодий ўсиш ва унинг моделлари
29. Халқаро савдо назарияси
30. Ташқи савдо сиёсати
31. Валута курси
32. Очиқ иқтисодиётда Манделл-Флеминг модели.
33. Давлатнинг барқарорлаштириш сиёсати

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

IV. Курс иши учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Микроиктисодиёт фанини ўрганишда микроиктисодий моделларнинг аҳамияти.

2. Бозор мувозанатининг ўзгариши ва унга таъсир қилувчи омиллар.
3. Бозор мувозанатини таъминлашда бозор механизмнинг моҳияти ва ўрни.
4. Бозор иқтисодиётини бошқариш усуллари.
5. Эластиклик назариясининг амалда қўлланилиши.
6. Талаб ва таклиф эластиклиги кўрсаткичларининг бозор ҳолати таҳлилидаги ўрни.
7. Нарх бўйича талаб эластиклиги ва уни бизнес амалиётида қўлланилиши.
8. Даромад бўйича талаб эластиклиги ва уни товар категорияларини аниқлашдаги аҳамияти.
9. Эластиклик кўрсаткичларининг амалий аҳамияти.
10. Ишлаб чиқариш функцияси ва фирмалар фаолиятида унинг қўлланилиши.
11. Ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш жараёнлари.
12. Истеъмолчининг мувозанатини таъминлашда истеъмолчи бюджетининг аҳамияти.
13. Истеъмолчиларнинг қарор қабул қилишларида даромад самараси ва алмаштириш самарасининг аҳамияти.
14. Истеъмолчи хатти-ҳаракати назариясининг моҳияти ва унинг истеъмолчи танловидаги ўрни.
15. Нафлилик назарияси ва унинг амалиётдаги ўрни.
16. Чекли нафлиликнинг камайиш қонуни ва нафлиликни ўлчашнинг асосий ёндашувлари.
17. Бозор муносабатлари шароитида истеъмолчининг ўрни.
18. Бизнес стратегиясида “Бефарқлик чизиғи, бюджет чизиғи” моделининг амалиётда қўлланилиши.
19. Бозор муносабатлари шароитида истеъмолчининг ўрни.
20. Бефарқлик чизиғи ва бюджет чизиғининг назарий асослари.
21. Турли бозор типларида истеъмолчи хатти-ҳаракатининг хусусиятлари.
22. Истеъмолчи танлови муаммоси ва фойдалиликни максималлаштириш йўллари.
23. Бозорни бошқаришда нархнинг аҳамияти.
24. Хўжалик қарорларини қабул қилишда М.Портернинг рақобат назариясининг моҳияти ва аҳамияти.
25. Бозор иқтисодиётида фирмалар фаолиятининг асосий

хусусиятлари.

26. Фирма бозор иқтисодиёти субъекти сифатида.
27. Фирма харажатларининг иқтисодий моҳияти ва асосий типлари.
28. Фирмаларнинг хўжалик фаолиятида фойданинг роли ва аҳамияти.
29. Ишлаб чиқариш функциясини қўллашнинг моҳияти ва моделлари.
30. Ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг турлари.
31. Замонавий бозор иқтисодиётида трансакцион харажатлар.
32. Фирмалар фойдасини максималлаштириш йўллари.
33. Фирмалар даромадлари ва уларнинг турлари.
34. Монополия, унинг турлари ва хусусиятлари.
35. Монополия назарияси ва бозор ҳокимияти муаммолари.
36. Монополистик рақобат шароитида нархлар шаклланишининг хусусиятлари.
37. Монополистик рақобат ва олигополиянинг таҳлили.
38. Турли бозор кўринишларида нархларнинг шаклланиши.
39. Замонавий бозор шароитида олигополиянинг асосий моделлари.
40. Замонавий бозор шароитида олигополиянинг ўрни.
41. Бозор иқтисодиётида нарх дискриминациясининг ўрни ва кўринишлари.
42. Меҳнат омиллари бозорларининг асосий характеристикаси.
43. Фирмаларнинг инвестицион сиёсати.
44. Меҳнат унумдорлиги ва унинг бозор ҳолатини аниқлашдаги аҳамияти.
45. Меҳнат бозори микроиқтисодий моделларида иш ҳақининг турлари ва моҳияти.
46. Меҳнат бозорида монополия ва монопсония нисбати муаммолари.
47. Инсон капиталига инвестицияларнинг моҳияти ва самарадорлиги.
48. Тадбиркорлик даромади тушунчаси ва моҳияти.
49. Капитал бозорлари ва уларнинг фирмалар реал инвестицияларига таъсири.
50. Тадбиркорлик таваккалчилиги ва уни ўлчаш усуллари.
51. Ишлаб чиқариш омиллари сифатида ахборотларнинг моҳияти ва аҳамияти.
52. Ҳозирги замон бозор иқтисодиётида асимметрик ахборотлар муаммолари.
53. Бозор фаолиятида нарх устидан назоратнинг амалга оширилиши.
54. Бозор иқтисодиёти шароитида таваккалчиликни бошқаришнинг назарий асослари.

55. Инвестиция фаолиятида таваккалчиликнинг ўрни.
56. Корхоналарда ишлаб чиқариш харажатларини оптималлаштириш масалалари.
57. Рақобатлашган бозор ва унинг хусусиятлари.
58. Монополияга қарши фаолиятни тартибга солишнинг асосий йўналишлари.
59. Ташқи таъсирлар ва ҳозирги вақтда уларга қаратилган давлат сиёсати.
60. Бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф.
61. Рақобатлашган монопол бозор ва унинг устун жиҳатлатлари, камчиликлари.
62. Фирма фойдасини аниқлаш ва уни максималлаштириш.
63. Бозор мувозанати ва унинг иқтисодий аҳамияти.
64. Эластиклик талаб ва таклифининг бозор механизмларида қўлланилиши.
65. Асимметрик ахборотлашган бозорлар.
66. Таваккалчиликни пасайтириш йўллари.
67. Хўжалик субъектларининг фаолиятига таъсир етувчи ташқи омилларга давлатнинг таъсири.
68. Монопол бозорлар ва уларнинг хусусиятлари.
69. Рақобатлашган бозорлар, уларнинг бошқа бозорлардан фарқи.
70. Монопол рақобатлашган бозорларнинг хусусиятлари.
71. Харидорлар тўлайдиган солиқларнинг бозор шароитига таъсири. Солиқ юкини тақсимлашда таҳлил қилиш усули.
72. Ўртача узоқ муддатли харажат ва унинг хусусиятлари. Ўзбекистондаги меҳнат бозорининг ҳозирги ҳолати.
73. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида капитал бозорининг ўрни.
74. Ўзбекистоннинг пул-кредит сиёсати.
75. Ўзбекистоннинг бюджет-солиқ сиёсати.
76. Қисқа ва узоқ муддатли даврлардаги ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.
77. Ишлаб чиқариш технологияларининг меҳнат унумдорлигига таъсири.

Курс ишини бажариш талабанинг муайян фанга доир мустақил илмий изланиши бўлиб, бунда талаба “Микроиқтисодиёт. Макроиқтисодиёт” фанининг бирор бир мавзусини илмий раҳбар ёрдамида тўла ўрганади ва мавзуни ёзма шаклда баён этади ва илмий

рахбардан ижобий тақриз олингандан сўнг уни ҳимоя қилиш билан курс ишига яқун ясалади. Курс ишини ёзишдан асосий мақсад, талабани ўқув жараёни давомида олган билимини илмий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш, аниқ таҳлилий масалаларни ҳал этиш орқали билимини бойитиш, чуқурлаштириш ва умумлаштириш ҳамда бу борада аниқ хулосаларга келиш.

Курс ишининг ҳажми 35-40 варақдан иборат бўлиб, талабанинг назарий ва амалий тадқиқотлари амалга оширилади. Курс ишини тайёрлаш ва ҳимоя қилишга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

- мавзу бўйича курс иши режасини тузиш ва тасдиқлаш;
- таҳлил мавзусини библиографик таҳлил қилиш;
- назарий ва амалий манбалар асосида тадқиқот олиб бориш;
- чизма, график ва аналитик жадвалларни тузиш;
- тўпланган материалларни таҳлил қилиш;
- асосли ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар бериш;
- фикрларни кетма-кетликда баён қилиш;
- курс ишини қўйилган талаблар асосида расмийлаштириш;
- мавзунинг мантиқий давомийлигини битирув малакавий

ишига боғлаш.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Бозор иқтисодиётида талаб ва таклифнинг аҳамияти.
2. Ишлаб чиқариш харажатлари.
3. Аҳоли даромадлари.
4. Хусусий талаб ва бозор талаби.
5. Эластиклик коэффициенти ёрдамида бозор талабини баҳолаш.
6. Нафлик ва чекли нафлик, чекли нафликни камайиш қонуни.
7. Ишлаб чиқариш ҳажми самарасига кўра фирманинг оптимал ўлчамини аниқлаш.
8. Ишлаб чиқариш омиллари ва ишлаб чиқариш омилларининг чекли маҳсудорлигининг камайиш қонуни.
9. Фирма фойдасини аниқлаш ва уни максималлаштириш
10. Рақобатлашган монопол бозор, устун жиҳатлари ва камчиликлари.
11. Истеъмолчининг бозордаги ҳаракати.
12. Рақобатлашган бозорда ҳаракат қилувчи фирма даромадлари.
13. Бозор мувозанати ва унинг аҳамияти.
14. Бюджет чегараси ва бюджет чизиғи.

15. Доимий ва ўзгарувчан харажатлар. Рақобатлашувчи фирманинг фойдаси ва даромадлари.
16. Рақобатлашган бозорда фирманинг мувозанати.
17. Фирма ва тармоқнинг узок муддатли ораликдаги мувозанати.
18. Тадбиркорлик шакллари.
19. Ноаниқлик ва таваккалчилик.
20. Миллий ҳисобчилик тизимидаги асосий институционал секторлар ва ҳисоблар.
21. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг ишлаб чиқариш таркиби таҳлили.
22. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг харажатларга кўра таркиби таҳлили.
23. Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг макроиктисодий кўрсаткичлари таҳлили.
24. Макроиктисодий айниятлар.
25. Номинал ва реал ЯИМ.
26. Табиий ишсизлик назарияси.
27. Инфляциянинг ижтимоий-иктисодий оқибатлари.
28. Инфляциянинг юзага келиш сабаблари ва ривожланиш омиллари.
29. Инфляция ва аксилинфляция сиёсати.
30. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги инфляция жараёнлари таҳлили.
31. Филлипс эгри чизиғи. Ишсизлик ва инфляция ўртасидаги қисқа даврдаги ва узок даврдаги алоқадорлик.
32. Ялпи талаб-ялпи таклиф моделида макроиктисодий мувозанат.
33. Макроиктисодий мувозанатнинг классик назарияси.
34. Макроиктисодий мувозанатнинг кейнсча назарияси.
35. Истеъмол функцияси. Макроиктисодий таҳлилда уни қўллаш имкониятлари.
36. Жамғариш ва инвестиция функциялари.
37. Инвестицияга талаб функцияси. Акселератор модели.
38. Товарлар ва хизматлар бозорида макроиктисодий мувозанат. ИС эгри чизиғи.
39. Кейнснинг даромадлар ва харажатлар модели.
40. Тежамкорлик парадокси.
41. Рецессион ва инфляцион узилиш.
42. Кейнс назариясида пулга бўлган талаб.
43. Пулга бўлган талабнинг классик назарияси.

44. Пул бозорида мувозанат модели.
45. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таҳлили.
46. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таҳлили.
47. Давлат бюджетининг моҳияти ва аҳамияти.
48. Солиқларнинг функциялари ва уларни такомиллаштириш йўллари.
49. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўллари.
50. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда солиқ сиёсатидан фойдаланиш йўллари.
51. Солиқ сиёсати: моҳияти, мақсадлари, воситалари. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.
52. Давлат бюджети тақчиллиги, юзага келиш сабаблари ва бартараф етиш йўллари.
53. Баланслашган бюджет мултипликатори.
54. Рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати.
55. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантириш кўрсаткичлари.
56. Пул-кредит сиёсатинининг моҳияти ва воситалари.
57. Монетаристик пул-кредит сиёсати.
58. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилда пул-кредит сиёсати таҳлили.
59. Макроиктисодий сиёсатда ҳисоб ставкаси (қайта молиялаш ставкаси)дан фойдаланишнинг чет-ел тажрибаси.
60. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жаҳон молиявий-иктисодий инқирози таъсирини бартараф етишда пул-кредит сиёсати ва банк тизимининг роли.
61. Барқарорлаштириш сиёсати.
62. Фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш муаммолари. Сиқиб чиқиш самараси.
63. Ликвидлилик ва инвестицион тузоқ.
64. ИС-ЛМ моделида макроиктисодий мувозанат.
65. ИС-ЛМ модели воситасида бюджет-солиқ сиёсати таҳлили.
66. Иқтисодий ўсиш омиллари ва турлари.
67. Иқтисодий ўсишнинг Р. Солоу модели.
68. Иқтисодий ўсишнинг замонавий неоклассик моделлари.
69. Нисбий устунлик назарияси.
70. Халқаро савдо ва даромадларнинг тақсимланиши.
71. Замонавий халқаро савдо назариялари.

	<p>72. Импортни тарифлар орқали тартибга солиш. (Ўзбекистон Республикаси мисолида).</p> <p>73. Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо динамикаси ва таркиби.</p> <p>74. Ташқи савдони тартибга солишнинг нотариф усуллари.</p> <p>75. Жорий операсиялар баланси.</p> <p>76. Капитал ҳаракати ҳисоби.</p> <p>77. Тўлов балансини макроиқтисодий тартибга солиш усуллари ва муаммолари.</p> <p>78. Даромад самараси ва алмаштириш самараси</p> <p>79. Номинал ва реал валута курси.</p> <p>80. Харид қобилияти паритети назарияси.</p> <p>81. Макроиқтисодий сиёсатнинг реал валута курси динамикасига таъсири.</p> <p>82. Сузиб юрувчи валюта курсининг макроиқтисодий сиёсатга таъсири.</p> <p>83. Кичик очиқ иқтисодиёт модели.</p> <p>84. Ўзбекистон Республикаси миллий валюта курсининг ўзгариш тенденциялари ва омиллари.</p> <p>85. Макроиқтисодий моделлар ва уларнинг хусусиятлари.</p> <p>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.</p>
3.	<p>VI Фан ўқитилишининг натижалари (шаклландиган компетенциялар)</p> <p>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> • замонавий бозор иқтисодиётининг ишлаши ва ривожланишининг назарий асосларини; талаб ва таклиф модели асосида тақчил ресурсларнинг тақсимланиш механизмини; рақобатлашган ва рақобатлашмаган бозорларнинг асосий хусусиятлари ва фирмаларнинг ушуб бозордаги ҳаракат қилиш қоидалари ҳақида тасаввур ва билимга эга бўлиши; • талаба бозордаги талаб ва таклиф тўғрисидаги статистик маълумотлар асосида бозорни таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш; статистик маълумотлар асосида талаб ва таклиф функцияларини тузш ва улар асосида бозордаги ҳолатни таҳлил ва прогноз қилиш бўйича қўникмаларига эга бўлиши; • талаба бозор иқтисодиётини ишлаш ва ривожланиш механизми тўғрисида; тақчил ресурсларни тақсимланиш тамойиллари тўғрисида; талаб ва таклиф асослари тўғрисида; рақобатлашган ва рақобатлашмаган бозорлар тўғрисида аниқ малакаларига эга бўлиши керак.
4.	<p>VII. Таълим технологиялари ва методлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> • маърузалар;

	<ul style="list-style-type: none"> • интерфаол кейс-стадилар; • семинарлар (мантикий фиклаш, тезкор савол-жавоблар); • гуруҳларда ишлаш; • тақдимотларни қилиш; • индивидуал лойиҳалар; • жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар.
5.	<p>VIII. Кредитларни олиш учун талаблар:</p> <p>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш.</p>
6.	<p>Асосий адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Бакиева И.А., Хўжаев Ҳ.С., Мухитдинова М.С., Файзиев Ш.Ш. “Микроиқтисодиёт” ўқув қўлланма. Т: “ЎФМЖН”, 2018.437 б. 2. Хўжаев Р.С.,Маҳмудов Б., Хўжаев Ҳ.С.,Эргашев Э.И., Эгамбердиев Р.И. “Микро ва макроиқтисодиёт”. Т.: ИЛМ ЗИЁ, 2016. -244 б. 3. Эркин Эгамбердиев “Микроиқтисодиёт”. Дарслик Т.: ИЛМ ЗИЁ, 2015. - 338 б. 4. N.Gregory Mankiv. Principles of Mikroekonomics. 5 edition. 2018. 519 pages. 5. Mankiw N.Gregori. Macroeconomics. 7-th edition. Harvard University. NY.: orth Publuthers, 2018. -602 б. 6. Менькю Н.Г. Принципы макроэкономики 5-е изд./Пер.с. англ. - СПб.: Питер, 2018. - 544 с. 7. Э.Эргашев., Бакиева И.А.,Файзиев Ш.Ш., Шермухамедов Б.У. “Микроиқтисодиёт.Макроиқтисодиёт” Дарслик. Т: “Иқтисод-Молия”, 2019. 629 б. <p>Қўшимча адабиётлар</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11. 2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 56 б. 3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. - 48 б 4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз

	<p>билан бирга курамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.</p> <p>5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. www.lex.uz.</p> <p>6. Микроэкономика: практический подход: учебник, под ред. Грязновой А.Г., Юданова А.Ю. 5-е издание. М.: КНОРУС, 2009. - с. 704.</p> <p>7. Хаджаев Х.С., Каримов Ф.Ш. Микроэкономика. Учебное пособие Т.: “Иқтисод-молия”, 2016. -169 с.</p> <p>8. Бакиева И, Назарова Г. “Макроиктисодиёт” фанидан семинар дарслари учун услубий қўлланма. Т: "ИҚТИСОД - МОЛИЯ", 2015 -225 б</p> <p>9. Пиндаик Р.,Рубинфельд Д. «Микроэкономика» 5 изд., Санкт-Петербург 2014. -548 с.</p> <p>10. Микроэкономика под.ред.Атаманова В.С.,Иванова М.,М 2016 –455 с.</p> <p>11. П. Е. Микроэкономика, Учебник, Санкт-Петербург 2015. – 744 с.</p> <p>Ахборот манбаалари</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали. 2. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 3. www.mineconomy.uz (О‘zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot vazirligi) 4. www.mehnat.uz (О‘zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi) 5. www.mf.uz (О‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi) 6. www.stat.uz (О‘zbekiston Respublikasi Davlat statistika qo‘mitasi) 7. www.ima.uz (О‘zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligi) 8. www.academy.uz (Fanlar akademiyasi)
7.	<p>Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг</p> <p>202__ йил “__” _____ даги _____ -сонли баённомаси билан маъқулланган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг</p> <p>202__ йил “__” _____ даги _____ - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган.</p>
8.	<p>Фан/модуль учун маъсулар:</p> <p>И.А.Бакиева – ТМИ “Иқтисодиёт” кафедраси иқтисод фанлари номзоди, доцент</p>

	Ш.Ш.Файзиев – ТМИ “Иқтисодиёт” кафедраси ўқитувчиси
9.	Тақризчилар: И.Хотамов – ТДИУ, “Саноат иқтисодиёти” кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент . (ташқи); Н.Қосимова – ТМИ, “Иқтисодиёт иқтисод фанлари номзоди, доцент .(ички).

